ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМБЕКОВ ИСЛАМБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ

# ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

УДК 347:004.738.5 (575.1)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**


**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**
Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш........................................3

**Rustambekov Islambek Rustambekovich**
Regulation of Civil-legal Relations in the Internet........................................31

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**
Правовое регулирование гражданско-правовых отношений в сети Интернет........................................53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works........................................77

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМБЕКОВ ИСЛАМБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ

# ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Yu11 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Саид Саидахрарович Гулямов**<br>юридик фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Дилором Мамировна Караходжаева**<br>юридик фанлари доктори, профессор |
| | **Илхом Исмаилович Насриев**<br>юридик фанлари доктори, доцент |
| | **Комил Ойдинович Сиддиров**<br>юридик фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети** |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «15» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (822 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2017 йил «31» август да тарқатилди.
(2017 йил «31» август даги 1 рақамли реестр баённомаси).

**З.Н. Эсанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

**И.С. Салиев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

**Н.Ф. Имомов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда учинчи минг йилликнинг бошланиши билан Интернет тармоғи фойдаланувчилари сони кўпайиб[1], виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ривожланиб, уларни ҳуқуқий тартибга солишга эътибор кучайиб бормоқда. Хусусан, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари мазкур муносабатларни қатъий тартибга солинишини кучайтириш борасида янги қонунларни ишлаб чиқмоқда, Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси – ЮНСИТРАЛ томонидан «Электрон савдо тўғрисида»ги намунавий қонун, МДҲ иштирокчи-давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси томонидан «Интернетни тартибга солиш асослари тўғрисида»ги модель қонуни ишлаб чиқилган.

Мустақиллик йилларида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва замонавий талаблар асосида ривожланишига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мазкур соҳани муайян даражада ривожлантиришга эришилди. Мазкур йўналишда, жумладан давлат функцияларининг бажарилишида электрон ҳукумат тизими шакллантирилди, кенг жамоатчиликда Интернет тармоғидан фойдаланиш, тармоқ орқали ўзаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиш шарт-шароитлари яхшиланди ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий база яратилди. Таъкидлаш жоизки, «ҳозирги пайтда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари даври. Бу соҳа соат сайин шиддат билан ривожланмоқда. Ҳозирги кунимиз ва келажагимизни, бу соҳа ривожисиз тасаввур қилиш мумкин эмас»[2]. Мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, миллий контентни кучайтириш, уни ахборот ресурслари билан таъминлаш, республика аҳолисининг юқори тезликда Интернетга уланишини ҳамда мазкур соҳани ҳуқуқий таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида Интернет тармоғи ва ундаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг самарали ҳуқуқий тартибга солиниши юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда, виртуал муносабатлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш, бунда субъектлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, махсус норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

[1] Бугунги кунда Интернет фойдаланувчилари сони 3,5 миллиарддан ортиқ. / Жаҳон Интернет статистикаси (2017 йил бошланиши ҳолати) // www.internetworldstats.com

[2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Халқ сўзи. 2016 йил 15-декабрь. –№247 (6682).

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги (2001), «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги (2003) «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (2003), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (2004), «Электрон тўловлар тўғрисида»ги (2004), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги (2006), «Электрон тижорат тўғрисида»ги (2015) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ҳамда 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**[1]. Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан Universitat Gottingen, Max Planck (Германия), Université Toulouse 1 Capitole (Франция), University of Edinburgh, University of Oxford – Oxford Internet Institute (Буюк Британия), Kaplan University, University of Colorado Boulder, Northwestern Pritzker School of Law – Searle Center (АҚШ), Korea University (Жанубий Корея), Nanyang Technological University (Сингапур), Научно-учебная лаборатория по информационному праву НИУ ВШЭ (Россия), Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш масаласида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда улардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг концептуал янги тизими асосланган (University of Colorado Boulder, Northwestern Pritzker School of Law – Searle Center, Korea University), электрон тижорат шартномалари доирасида шартноманинг махсус шартлари ва уни тузиш усуллари ишлаб чиқилган (Max Planck, Kaplan University,

---

[1] Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uni-goettingen.de, www.mpipriv.de, www.ut-capitole.fr, www.ed.ac.uk, www.oii.ox.ac.uk, www.kaplanuniversity.edu, www.colorado.edu, www.law.northwestern.edu/research-faculty/searlecenter, www.korea.edu, www.ntu.edu.sg, www.pravo.hse.ru/info-law, www.tsul.uz, www.uwed.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Nanyang Technological University, Université Toulouse 1 Capitole, Universitat Gottingen, Научно-учебная лаборатория по информационному праву НИУ ВШЭ). Интернет тармоғидаги муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ва юрисдикцияни аниқлаш бўйича янги коллизион қоидалар ишлаб чиқилган (University of Edinburgh, University of Oxford – Oxford Internet Institute), домен номи эгалари ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилишда мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган (Тошкент давлат юридик университети).

Дунёда Интернет тармоғида вужудга келувчи виртуал ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларининг халқаро унификациясини таъминлаш; электрон тижорат доирасида савдо операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш; интеллектуал мулк эгаларининг Интернет тармоғи доирасида мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш; Интернет тармоғидаги чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг айрим жиҳатлари, мазкур муносабатларнинг ўзига хос алоҳида масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Х.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, Н.Ф.Имомов, Ш.Н.Рўзиназаров, С.С.Гулямов, Б.Н.Тошев, Д.М.Караходжаева, И.И.Насриев, Р.Х.Хурсанов, А.А.Исманжанов, Д.А.Огай ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда Интернет тармоғи ва ундаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бунда Интернетни ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг назарий масалалари Н.А.Дмитрик, С.В.Малахов, А.В.Глушков, И.М.Рассолов (Россия), А.А.Абдужалилов (Тожикистон), Aaron Schwabach, Brian Craig, David Johnson (АҚШ), Keith Darrell, Lilian Edwards, Charlotte Waelde (Буюкбритания)лар томонидан, Интернетда ахборот тарқатиш, ахборотга бўлган ҳуқуқлар ҳамда Интернет хизмати кўрсатиш масалалари И.Л.Бачило, С.В.Петровский, В.А.Копыловлар томонидан, Интернет тармоғидаги алоҳида объектлар муҳофазаси масалалари В.Б.Наумов, А.Г.Серго (Россия), Peng Hwa Ang (Сингапур), Schryen G. (Германия)лар томонидан, электрон тижорат масалалари И.В.Невзоров, В.Ю.Моченов (Россия), Ananya Sen, Pinar Yildirim (Франция)лар томонидан, Интернет тармоғидаги коллизион масалалар С.А.Бабкин (Россия), Tonnellier A. (Франция)лар томонидан ўрганилган[1].

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари асосан Интернет тармоғи ва ундаги муносабатларнинг алоҳида турлари ва жиҳатларига бағишланган бўлиб, комплекс ҳуқуқий тартибга солишни

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ёритишга қаратилмаган. Шу сабабли Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жиҳатларига оид алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014-2019), «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш» (2014-2019) ҳамда «Ўзбекистон коллизион қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификациялаш муаммолари» (2013-2018) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинишини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари**:

Интернет тармоғи генезиси, виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ва хусусияти, шунингдек бундай муносабатлар объектлари, субъектлари ва мазмуни тавсифини ишлаб чиқиш;

Интернет тармоғида мутлақ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, интеллектуал мулкнинг анъанавий ва замонавий объектларини Интернет тармоғидаги ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш йўналишларини белгилаш;

Интернет тармоғидаги мажбурият ҳуқуқий муносабатларни, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятларни аниқлаш, шунингдек электрон тижорат муносабатларининг ҳуқуқий таъминланиши самарадорлигига баҳо бериш;

миллий Интернет сегментидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни моддий-ҳуқуқий ва коллизион-ҳуқуқий тартибга солинишини аниқлаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга доир муаммоларнинг илмий ечимини топиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасининг Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар

таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электрон шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида шартнома тарафларининг ҳуқуқларини таъминловчи қоидалар ҳамда мажбуриятларини аниқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган, шунингдек электрон шартнома кўринишида тузилиши мумкин бўлмаган шартномалар асослаб берилган;

электрон тижорат доирасида электрон рақамли имзодан фойдаланиш, уни миллий ва халқаро миқёсда унификациялаш, шунингдек қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга доир таклифлар асослаб берилган;

домен номи ва веб-сайтларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муомаласини янада ривожлантириш, тегишли субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларининг самарали ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган домен номлари ва веб-сайтлар олди-сотдиси ҳамда ҳуқуқлар ижараси кўринишидаги янги фуқаролик-ҳуқуқий конструкциялар ишлаб чиқилган;

чет эл элементи билан мураккаблашган виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмлари аниқлаштирилган;

виртуал маконда юзага келувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қонун ҳужжатларини қўллашга ҳамда комплекс ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантиришга доир таклифлар асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

цивилистика назарияси асосида Интернет тармоғи субъектлар ўртасида ўзига хос тарзда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар амал қилувчи ва моддий маконга бевосита боғлиқ бўлган ва ундан келиб чиқувчи иккиламчи – виртуал (кибер) макон ҳамда интеллектуал мулк объектлари комплексидан иборат бўлган ҳосила объект ҳисобланиши асослантирилган ва шу асосда фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал макондаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўллашга доир тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тарафлар манфаатларини ҳимоя қилиш, яхлитлик ва қонунийликни таъминлашга қаратилган ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилувчи махсус тамойиллар тизими шакллантирилган ва уларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

виртуал маконда юзага келадиган чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишни шакллантиришга хизмат қилувчи коллизион боғловчилар тизими ишлаб чиқилган;

республикамизда ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳани ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрганиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаш мақсадида «Кибер ҳуқуқ» янги комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар

тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асосланганй, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электрон шартномалар кўчмас мулкни сотишга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўладиган ҳамда биржада тузиладиган битимларга татбиқ этилмаслиги, электрон тижоратда сотувчи электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни белгиланган тартибда сақлашни таъминлаши кераклиги, шунингдек электрон тижоратда сотувчи электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат тарзида шартнома — экспорт контракти тузиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги «Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 185-сон қарорда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 4 октябрдаги ил фил-4-7/20-1376-сон маълумотномаси). Бу электрон тижоратда электрон битимлар тузиш, улар бўйича ўзаро мажбуриятлар бажарилишини ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминланишига хизмат қилади;

домен номлари ва веб-сайтларни фуқаролик-ҳуқуқий муомаласини таъминлашга, хусусан уларнинг олди-сотдиси, ижарага берилиши ҳамда тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўғри белгиланишига қаратилган ҳуқуқий механизм ҳамда намунавий шартномалар ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги UZINFOCOM – Компьютер ва ахборот

технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш Марказининг 2017 йил 24 январдаги 23-5/90-сон далолатномаси). Бу домен номлари ва веб-сайтларнинг эгалари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва кенгайтириш, мазкур объектларнинг эркин фуқаролик муомаласини таъминлашга имкон беради;

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш доираси ва асосий тушунчалар мазмунини кенгайтириш, шахсий маълумотларни ҳимоялаш ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги қоидаларни киритишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни такомиллаштирилиши жараёнида қўлланилиши, шунингдек мазкур соҳани комплекс ҳуқуқий тартибга солишга, махсус тамойилларини мустаҳкамлашга ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишга қаратилган «Миллий Интернет сегменти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси маълумот учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 17 октябрдаги 04/642-сон хулосаси). Мазкур таклифлар республикамизда электрон тижорат муносабатларини кенгроқ ҳуқуқий тартибга солишга, ушбу муносабат субъектлари ҳуқуқларининг ҳар тарафлама ҳимоя қилинишига, шунингдек янги қонун қабул қилиниши Интернет тармоғи фойдаланувчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар тарафлама таъминланишига хизмат қилади;

тадқиқот натижалари ва маълумотлари ўқув жараёнига жорий этилган, хусусан «Халқаро савдо ҳуқуқи» фани ўқув дастурига электрон тижоратнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари, «Халқаро муаллифлик ва патент ҳуқуқи» фани ўқув дастурига Интернет тармоғида муаллифлик, турдош ва патент ҳуқуқи ҳамда шахсийлаштириш воситаларини муҳофаза қилиш масалалари (Тошкент давлат юридик университетининг 2016 йил 26 декабрдаги 02-20/349-сон далолатномаси) ҳамда «Халқаро муаллифлик ва патент ҳуқуқи» дарслигига (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 26-сон буйруғи билан дарслик сифатида нашр қилишга рухсат берилган. Рўйхат рақами 26-062) тегишли мавзулар киритилиб, буларнинг барчаси талабаларни ўқитишда, уларга янги билимлар бериш ва кўникмаларини шакллантиришда манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. Халқаро конференция материаллари тўплами» (Тошкент, 2012), «Хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2013), «Конституция – мамлакатимиз тараққиёти истиқболининг муҳим гарови» (Тошкент, 2013), «Ёшларга оид давлат сиёсати ва уни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (Тошкент, 2014), «Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг жорий этилиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар» (Тошкент, 2015), «Вопросы современной юриспруденции» (Новосибирск, 2016), «International Scientific Review of the Problems and Prospects of Modern Science and Education» (Бостон, 2016), «Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives» (Вена, 2016), «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2016), «Фуқаролик ҳуқуқини

такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016), «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» (Тошкент, 2017), «Ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2017) мавзуларида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда ҳамда Иқтисодиёт олий мактабида ўтказилган «Кибер ҳуқуқ» мавзусидаги (Россия, 2014, 2015) ҳамда Университет Тулуза 1 Капитолийда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатларида (Франция, 2016) апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан 3 та монография, 1 та рисола, 1 та дарслик, 19 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Интернет тармоғи ва унда вужудга келувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг умумий тавсифи»** деб номланган биринчи бобида Интернет тармоғининг генезиси ва унинг ҳуқуқий тушунчаси, Интернет тармоғини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг умумий тавсифи, Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари, субъектлари ва мазмуни таҳлил қилинган.

Интернет тармоғининг жаҳон миқёсида вужудга келиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳанинг ривожланиши, соҳадаги муносабатлар ва давлат бошқарувининг ривожланиши таҳлил қилинган.

Интернет тармоқ ташкилоти сифатида ва унинг жамиятни ривожлантиришдаги роли ва Интернет тармоғи тушунчаси таҳлил қилиниб, мазкур тушунчага бўлган ёндашувлар ва мавжуд таърифлар ўрганиб чиқилган.

Бугунги кунга қадар мазкур тушунчага техник ва ахборот билан боғлиқ хусусиятлардан келиб чиқувчи таърифлар берилганлиги боис унга ҳуқуқий таъриф бериш четда қолганлиги кўрсатилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда Интернет тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги, тармоқда юзага келадиган ижтимоий муносабатларга лозим даражада эътибор берилмаслиги, улар етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, биринчи навбатда Интернет тармоғи тушунчасига ҳуқуқий таъриф бериш, уни халқаро ҳужжатда мустаҳкамлаш, шунингдек миллий қонунларда бирхиллаштиришни амалга ошириш зарурлиги, бу Интернет тармоғи ҳамда унда юзага келувчи муносабатларни тартибга соладиган қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш учун аниқ мўлжал олиш имконини бериши кўрсатиб берилган. Шундан келиб чиқиб, Интернет тармоғининг техник ва ҳуқуқий томонларини бирлаштириш учун қуйидаги таъриф таклиф қилинган: Интернет – тармоқ субъектларини бир-бирлари билан тегишли техника воситалари орқали боғлаб, ҳуқуқий муносабатларга киришишини, ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлайдиган компьютер (ахборот) тармоғи.

Бугунги кунда Интернет тармоғи, унинг ҳуқуқий моҳияти кўплаб илмий мунозаралар, Интернет тармоғи фуқаролик ҳуқуқининг объекти ёки субъекти бўла олиши доирасида баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кўплаб муаллифлар Интернет тармоғини ҳуқуқ объект ҳам, субъект ҳам эмаслигини эътироф этишмоқда. Лекин Интернет тармоғини объект сифатида тўлиқ тан олмаслик борасидаги фикрларга қўшилмаслик учун асослар мавжуд. Биринчи навбатда, Интернет тармоғи бевосита интеллектуал фаолият натижаси сифатида вужудга келган, унинг техник асослари ҳам худди шундай ишлаб чиқилган. Иккинчидан, Интернет тармоғидан фойдаланиш учун унга уланиш, ҳақ тўлаш шартлари мавжуд. Учинчидан, Интернет тармоғи кибернетик маконни, яъни виртуал муҳитни яратади, унинг эса ўзига хос хусусиятлар ва объектлари мавжуд, унинг доирасида маълум ижтимоий муносабатлар шаклланади. Буларнинг барчаси Интернетни маълум даражада объект сифатида қараш учун асос мавжудлигини кўрсатади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Интернет тармоғи бир нечта объектлардан ҳосил бўлган иккиламчи ёки ҳосила объект сифатида тавсифланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи доирасида ҳосила объект жиҳатлари тўлиқ ва ҳар томонлама ёритилмаган бўлсада, унинг маълум хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Ҳосила объектлар ўзига нисбатан асосий объектга эга бўлиши, шунга қарамасдан ўзи ҳам мустақил объект сифатида намоён бўлиши ҳамда асосий объектнинг йўқ бўлиб кетиши асосий ҳолатларда ҳосила объектнинг ҳам йўқ бўлишига олиб келишини кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда, Интернетни кўплаб компьютерлар, алоқа узатиш технологиялари, дастурлар, маълумотлар базаси каби интеллектуал мулк объектларининг ўзаро бирлашиши, яъни комплекси асосида вужудга келган ҳосила объект сифатида намоён бўлади, шунингдек Интернет бевосита моддий макон билан узвий боғлиқликда бўлади, вужудга келувчи технологиялар, виртуал маконнинг субъектлари моддий маконда мавжуд

бўлиб, уларнинг мавжудлиги билан тармоқнинг мавжудлиги таъминланади. Тармоқни шакллантирувчи интеллектуал мулк объектлари комплексининг, хусусан, тармоқ фаолиятини таъминловчи асоснинг нобуд бўлиши, тармоқнинг ишламаслигига, яъни йўқ бўлишига олиб келади.

Шунга асосан, Интернет тармоғи субъектлар ўртасида ўзига хос тарзда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар амал қилувчи ва моддий маконга бевосита боғлиқ бўлган ва ундан келиб чиқувчи иккиламчи – виртуал (кибер) макон ҳамда интеллектуал мулк объектлари комплексидан иборат бўлган ҳосила объект эканлигини эътироф этиш мумкин.

Мазкур ҳолат Интернет тармоғида юзага келувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш муаммосини келтириб чиқаради. Айни вақтда виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, бундай муносабатларга фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш учун ҳуқуқий асос яратишни талаб қилади. Шунга асосан виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда уларни ҳар тарафлама ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида фуқаролик қонун ҳужжатларининг макон бўйича амал қилиши қоидасини мустаҳкамлаш зарур бўлиб, бундай қоида мустаҳкамланиши орқали фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини виртуал маконда вужудга келувчи муносабатларга татбиқ қилиш учун тўлиқ ҳуқуқий асос вужудга келади.

Интернет тармоғи ва ундаги муносабатларни тартибга солишда уч асосий йўналиш, яъни ўзини ўзи тартибга солиш, давлат томонидан тартибга солиш ва биргаликда тартибга солишга ажратилади. Айрим ривожланган хорижий мамлакатларда Интернет тармоғининг ўзини-ўзи бошқариш тизими маъқулланиш ҳолатлари кенг учрайди, бунда Интернет тармоғи жамоат ташкилотлари ва фойдаланувчиларнинг тузилмалари томонидан бошқарилиши мақсадга мувофиқлиги асос қилиб кўрсатилади[1].

Мазкур ҳолатда Интернет тармоғида амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўзини-ўзи тартибга солиш механизмларини жорий этиш устувор аҳамият касб этиб, бундай механизмлар тегишли муносабатлар субъектларининг манфаатларига мос бўлади, деб қаралади. Лекин, ҳар қандай ижтимоий муносабат каби, виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳам давлат томонидан бошқарилиши, ҳуқуқий тартибга солиниши зарур бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида, тармоқ муносабатларини тўлиқ императив йўл орқали тартибга солиш мураккаб ва муаммоли ҳолат саналади. Шу сабабли, Интернетнинг ўзини ўзи тартибга солиш усулини давлат томонидан тартибга солиш усули билан бирлаштириш, бунда ўзини ўзи тартибга солиш воситаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва регулятив функциясини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ўзига хос биргаликда тартибга солиш тизимини вужудга келтиради ва энг мақбул усул сифатида биргаликда тартибга солиш усули деб эътироф этилиши мумкинлигини кўрсатади.

---

[1] Jonathan E. Nuechterlein, Philip J. Weiser. Digital Crossroads: Telecommunications Law and Policy in the Internet Age (MIT Press). 2013.

Интернет тармоғи доирасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар турли кўринишда юзага келиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бунда Интернет тармоғи билан боғлиқ энг биринчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабат – Интернет тармоғига уланиш ёки Интернет хизмати кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар. Мазкур муносабатлар дастлаб вужудга келиб, табиий ҳолатда реал маконда шартнома тузиш кўринишида намоён бўлади. Худди шунингдек, Интернет тармоғидаги айрим хизматлар, хусусан хостинг хизматлари, домен номларини рўйхатга олиш каби хизматлар реал маконда вужудга келади. Бошқа муносабатлар эса бевосита Интернет тармоғига уланган ҳолда виртуал маконда юзага келади, масалан, электрон почтадан фойдаланиш, ахборот айирбошлаш, маълумотлар олиш, жойлаштириш, электрон шартнома тузиш ва ҳ.к.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Интернет тармоғидаги муносабатларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: бунда биринчи гуруҳ – бу Интернет тармоғи билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар (ташқи Интернет-муносабатлар) ва иккинчи гуруҳ – Интернет тармоғининг ўзида юзага келадиган муносабатлар (ички Интернет-муносабатлар). Демак, Интернет тармоғи доирасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ички ва ташқи муносабатларга ажратиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Интернет тармоғида муайян тарзда юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Интернетдан фойдаланувчи ахборот билан бажарадиган ҳар қандай амалларнинг соддалиги[1], Интернет-муносабатларнинг электрон кўринишда ифодаланиши[2], яъни уларнинг кибернетик маконда, виртуал кўринишда вужудга келиши, шу билан бирга, ҳар доим ҳам моддий макон билан боғлиқ бўлмаслиги алоҳида таъкидланади. Айрим олимлар «Интернетдаги ҳуқуқий муносабатлар» ва «Интернетда ахборот борасидаги муносабатлар» тушунчаларини ўзаро фарқлайдилар[3]. Умумий жиҳатдан, Интернет тармоғидаги муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги эътироф этилиб, шундан келиб чиққан ҳолда бундай муносабатлар комплекс ҳуқуқий тартибга солиниши керак. Шунингдек, Интернет тармоғидаги муносабатларнинг асосий қисми фуқаролик-ҳуқуқий муносабат эканлиги, шу жумладан, бу муносабатлар халқаро хусусиятга эга бўлиши, бундай муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши кераклигини кўрсатади.

Кўриниб турибдики, Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари Интернет тармоғи хусусиятларидан келиб чиқиб,

---

[1] Трофименко А. Какими нормативными актами регулировать "сетевые" отношения // Электронный ресурс – http://www.juristlib.ru

[2] Разувак В.Э. Правовые отношения в сети Интернет // Материалы научно-практической конференции юридического факультета Елецкого государственного университета им. И.А. Бунина. Вып. 4. Елец: ЕГУ им. И.А. Бунина, 2003. – С. 64-68.

[3] Jonathan E. Nuechterlein, Philip J. Weiser. Digital Crossroads: Telecommunications Law and Policy in the Internet Age (MIT Press). 2013. – P.54; Булатецкий Ю.Е. Правовое регулирование электронной торговли // Коммерческое (торговое) право. – М., 2002. – С. 880 – 886; Копылов В.А. Информационное право. – М., 1997. – С. 130.

биринчи навбатда, ахборот бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолат М.Дашян[1], С.Кара-Мурза[2], И.М.Рассолов[3] ва бошқа қатор олимлар қарашларига ҳам мосдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик ҳуқуқи объектлари қаторига ахборот киритилиши, бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 81-моддасида акс эттирилиши Интернет тармоғидаги объектларнинг ҳуқуқий тартиботига ижобий таъсир кўрсатади.

Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари жисмоний шахслар, юридик шахслар ва давлат бўлиши билан бир қаторда, улар фойдаланувчи, хизмат кўрсатувчи ёки тартибга солувчи сифатида ҳам намоён бўлади. Шунингдек, Интернет тармоғи доирасида ахборот воситачиси сифатида намоён бўлувчи учинчи тараф иштироки мавжуд бўлади. Бундан ташқари тармоқнинг глобаллигидан келиб чиққан ҳолда, унинг субъектлари дунёнинг ҳар қандай жойида бўлиши мумкин, бундай субъектларга нисбатан анъанавий қонунчилик нормаларини қўллашда қийинчилик вужудга келади, бу эса субъектларни идентификация қилиш ва муносабатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш муаммоларини келтириб чиқаради.

Юқоридаги таҳлиллар асосида, Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар умумий фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар каби юридик фактларга таянган ҳолда, ўзаро тенг ва мустақил субъектлар ўртасида, томонларда субъектив ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқариб, асосан, диспозитив усулда тартибга солинишини кўрсатиш мумкин.

Диссертациянинг **«Интернет тармоғида мутлақ ҳуқуқий муносабатларининг тартибга солиниши»** деб номланган иккинчи бобида Интернет тармоғида мутлақ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг умумий масалалари, Интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, Интернет тармоғида саноат мулки ҳуқуқи ва шахсийлаштириш воситаларини муҳофаза қилиш, Интернет сайт ва домен номи интеллектуал мулкнинг янги объектлари сифатида ва уларга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган.

Интеллектуал мулк объектларининг Интернет тармоғида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши, Интернет тармоғининг ахборот маконида юз бераётган ва мутлақ ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни тартибга солишда қийинчиликларни юзага келтиради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи доирасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар Интернет тармоғида энг кенг тарқалган бўлиб, уларга оид қонунчилик нормалари Интернет тармоғи доирасида ҳам қўлланилиши эътироф этилади, лекин Интернет тармоғида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар нуқтаи назаридан муҳофазага лаёқатли объектларни белгилаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши

---

[1] Дашян М. Право информационных магистралей. Вопросы правового регулирования в сфере Интернета – М.: Волтерс Клувер, 2007. – С.56

[2] Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. XXI век. – М.: Алгоритм, 2013. – С. 302.

[3] Рассолов И.М. Информационное право. Учебник для магистров. – М.: Юрайт, 2013. – С. 119

ҳолатлари таҳлили, мазкур масалага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш, алоҳида халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши ҳамда унинг асосида миллий қонунларни унификациялаш зарурати кўрсатади.

Интернет тармоғи доирасида саноат мулки объектлари, хусусан патент ҳуқуқи ҳамда шахсийлаштириш воситалари ҳам намоён бўлиб, бунда хорижий муаллифларнинг қарашларига[1] қўшилган ҳолда, Интернет тармоғида патент ҳуқуқи ва шахсийлаштириш воситаларини шартнома асосида тақдим қилиниши, мазкур объектларни Интернет тармоғига шартнома асосида чиқариш ва ҳимоясини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда Интернет тармоғи доирасида мавжуд бўлган янги объектлар сифатида веб-сайт ва домен номлари эътироф этиб келинмоқда. Мазкур тушунчалар ва уларнинг таърифлари таҳлили уларнинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслигини намоён қилиб, ушбу тушунчаларга муаллифлик таърифлари шакллантирилди.

Бугунги кунда веб-сайт ва домен номлари фуқаролик ҳуқуқининг, хусусан интеллектуал мулк ҳуқуқининг объектига айланган бўлиб, мазкур объектлар билан боғлиқ муносабатларни фақатгина тегишли қонунлар аналогиясидан фойдаланган ҳолда тартибга солиш имкони мавжуд. Лекин ушбу объектлар бугунги кунга қадар тўлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муомалага киритилмаган бўлиб, улар эгаларининг мазкур объектлардан тўлақонли фойдаланиш имконияти чекланмоқда. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ёки веб-сайтни жойлаштириш ушбу объектлардан тўлиқ фойдаланишни англатмайди, домен номига эгаликни қўлга киритган шахс ундан фойдаланишни бошқа шахсга топшириши чекланмаган бўлса-да, амалда бунинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмас. Бу эса бошқа шахсга топширилган, лекин расмийлаштирилмаган домен номи ёки веб-сайт бўйича жойлаштирилган маълумотларга нисбатан жавобгар шахсни аниқлашда қийинчиликларни вужудга келтиради, бунда, қоида тариқасида, домен номи эгаси доимо жавобгар сифатида намоён бўлиб қолади.

Демак, веб-сайт ва домен номига оид муносабатлар, шартномавий муносабатлар тарзида фуқаролик ҳуқуқи муомаласига киритилиши керак. Мазкур объектларнинг олди-сотдиси, фойдаланишга топширилиши, тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказилишига доир шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий механизми яратилишида катта эҳтиёж мавжуд бўлиб, домен номи ёки веб-сайтнинг ижарага берилиши, фуқаролик ҳуқуқида янги ҳуқуқлар ижараси кўринишидаги конструкцияни шакллантиришни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, домен номи ва веб-сайтларнинг олди-сотди ҳамда ижара шартномаларини ишлаб чиқилиши ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилишига эҳтиёж мавжуд. Мазкур муносабатларда ҳуқуқ эгалари манфаатлари эътиборга олиниши муҳимлиги, хусусан мазкур объектлар ахборот тарқатиш воситаси бўлганлиги сабабли, унинг эгасига қатор мажбуриятлар келтириб чиқариши, бошқалар ҳуқуқларининг

[1] Lilian Edwards, Charlotte Waelde. Law and the Internet. Third Edition. 2009. – P.48

бузилиши ҳолатларини вужудга келтириши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғри шакллантирилган шартнома орқали ҳимоя қилиш имконияти яратилиши керак. Шунингдек, бундай шартномавий муносабат уч тарафлама бўлиши, бунда учинчи, яъни тасдиқловчи ва мажбурият олувчи тараф сифатида рўйхатга олувчи ташкилот иштирок этиши керак. Бундай ҳуқуқни қўллаш амалиётининг жорий этилиши домен номи ва веб-сайтларни тўлиқ фуқаролик муомаласи ҳамда улар эгаларининг ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилади.

Диссертациянинг **«Интернет тармоғида мажбурият-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши»** деб номланган учинчи бобида Интернет тармоғида мажбурият-ҳуқуқий муносабатларнинг умумий тавсифи, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар, электрон тижорат шартномалари ва электрон тижорат доирасида келиб чиқадиган мажбуриятлар, шунингдек шартномадан ташқари мажбуриятларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари таҳлил қилинган.

Интернетдан фойдаланиш жараёнидаги мажбурият ҳуқуқий муносабатлар кенг доирада вужудга келиб, улар билан боғлиқ масалалар, уларнинг юридик тавсифи ва турлари юридик адабиётларда лозим даражада ёритиб берилмаган. Айни вақтда, Интернет тармоғида мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатлар ўз хусусиятига эга бўлиб, бундай муносабатлар (шартномавий ва деликт) уларнинг виртуаллигидан келиб чиққанда маълум даражада ўзгарган кўринишда мавжуд бўлади.

Интернет тармоғида мажбурият ҳуқуқий муносабатларнинг асосий қисми шартномавий мажбуриятлар бўлиб, бундай муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларининг таҳлил қилиниши қатор ҳуқуқий муаммоларни намоён қилади.

Виртуал маконнинг технологик хусусиятлари, шартномаларнинг электрон шакли уларга шартнома ҳуқуқининг классик қоидаларини қўллашни қийинлаштиради. Хусусан, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлар таркиби, объектлар хусусияти ва уларнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган юридик фактлар тавсифи билан белгиланади. Бу ўзаро электрон алоқа жараёни устидан назоратга эга бўлмаган тарафни ҳимоя қилиш мақсадида шартномавий муносабатларни тартибга солиш фуқаролик-ҳуқуқий усулнинг императив элементини кучайтиришни тақозо этади.

Интернет тармоғида шартномалар, тармоқнинг хусусиятидан келиб чиққанда, фақат консенсуал шартномалар кўринишида бўлиши мумкин. Бунда реал шартномалар ашёвий ҳуқуқлар доирасида мавжуд бўлиши назарда тутилади, Интернетда эса ашёвий-ҳуқуқий (хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни контрагентга топшириш билан боғлиқ) муносабатлар бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли, барча шартномалар – Интернет тармоғидан фойдаланишга доир шартномалар ҳам, виртуал маконда тузиладиган шартномалар ҳам замирида тарафлар келишуви ётувчи консенсуал шартномалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, виртуал макон хусусиятларидан, шунингдек Интернет-компанияларнинг тармоқдан фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш

вазифаларидан келиб чиққанда, Интернет тармоғидаги электрон шартномалар икки тарафлама хусусият касб этади. Бинобарин, Интернет тармоғидаги электрон шартномалар икки тарафлама консенсуал шартномалардир.

Электрон шартномаларнинг энг асосий қисми электрон тижорат доирасида қўлланилиб, электрон шартномаларни махсус тартибга солиш заруратини намоён қилади, бундай шартномаларни тузиш тартиби, уларнинг хусусиятларини аниқлаштириш ҳамда тарафлар ҳуқуқларининг мутаносиблигини таъминлашни талаб этади. Кўрсатиб ўтиш мумкинки, Интернет виртуал маконида олди-сотди электрон шартномалардан, электрон кўринишдаги турли-туман хизматлар кўрсатишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар – реклама, асарни электрон журналларда чоп этиш, воситачилик фаолияти, электрон тижорат фаолияти Интернет тармоғида кенг тарқалган.

Электрон шартномалар доирасида уларнинг хусусиятларига эътибор қаратиш ҳамда унинг тарафларини идентификация қилиш, битимларга доир маълумотлар сақланишини таъминлаш, натижада электрон тижорат муносабатлари доирасида тузиладиган шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда, ахборот технологиялари халқаро иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда, электрон савдо муносабатлари доирасида кўплаб ташқи иқтисодий битимлар тузилмоқда. Бу миллий тадбиркорларни халқаро савдо бозорларига чиқиш имкониятини кучайтирмоқда. Бунинг натижасида миллий миқёсда қонун ҳужжатларида ташқи иқтисодий битимларни электрон шартнома шаклида тузиш учун имконият ва ҳуқуқий асослар яратиш муҳим аҳамият касб этади, бунинг таъминланиши эса миллий товарлар ва хизматлар экспортини ошириш имкониятини яратади, пировард натижада, миллий иқтисодиётни ривожлантиради.

Мазкур жараёнларда электрон рақамли имзони қўллаш, ундан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, бунда электрон рақамли имзо билан расмийлаштирилган ҳужжатни қоғоз шаклдаги ҳужжатга тенглаштириш масаласи долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикасида электрон рақамли имзолар доирасидаги асосий муаммо – электрон рақамли имзонинг ягона шакли мавжуд эмаслиги. Хусусан, мамлакатимизда электрон рақамли имзо Солиқ қўмитаси ва UNICON.UZ давлат унитар корхонаси томонидан тақдим қилинмоқда. Шунингдек, электрон рақамли имзо тақдим қилиш бўйича бошқа ташкилотлар ҳам Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибда тўғрисидаги низомда белгиланган тартиба рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиши мумкин. Мазкур электрон рақамли имзо тақдим қилувчи ташкилотлар доирасидаги энг катта муаммо – электрон рақамли имзоларнинг ўзаро тан олинмаслиги ва унификацияланмаганлиги.

Шу ўринда, бундай муаммони бартараф этиш йўлида электрон рақамли имзоларни тақдим қилиш бўйича ягона марказ ташкил этиб, электрон рақамли имзоларни миллий ва халқаро миқёсда унификациялаш зарур, бу электрон

битимлар ва электрон тижорат ривожланиши ҳамда электрон шартнома тарафлари манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қайд этиш керакки, миллий қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар, шартномалар хусусиятлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, бугунги кунда электрон шаклда тузиш мумкин бўлмаган шартномалар мавжуд. Бундай шартномалар гуруҳини ажратиб олиш ва қонун ҳужжатларида электрон шаклда тузилиши чекланиши қоидаларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шартномаларга доир ҳуқуқий муносабатларда, шартнома нарсаси амалда мавжуд буюмлар ҳисобланган ва улар бўйича мажбуриятларни бажариш шартнома тарафининг физик маконда туриши билан боғлиқ бўлган ҳолда, бундай мажбуриятлар, масалан, мол-мулкни фойдаланиш учун бериш мажбуриятлари, уйни ижарага бериш шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, қурилиш пудрати шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, транспорт-экспедиция мажбуриятлари ва сақлаш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар Интернет тармоғида қўлланилмайди. Гарчи мазкур шартномаларни Интернет тармоғи орқали тузиш мумкин бўлса-да, аммо бундай ҳолларда мажбурият объекти сифатида моддий дунёнинг амалда мавжуд бўлган объектларига нисбатан бажариладиган ҳаракатлар амал қилади, шу сабабли ушбу институтларни Интернетда қўллаш мумкин эмас.

Бундан ташқари,, қонун ҳужжатларига асосан давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган шартномалар, хусусан, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ёки патентдан ўзга шахс фойдасига воз кечиш шартномалари; нотариал тасдиқлашни талаб қилувчи битимлар, масалан, рента шартномаси; одатдаги тартибда васиятнома тузиш, шунингдек ўзининг алоҳида тузилиш тартибига эга бўлган биржа битимлари Интернет тармоғи орқали электрон тижорат доирасида электрон шартнома шаклида тузилишига йўл қўйилмайди. Уларнинг электрон шартнома шаклида тузилиши шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши мумкин.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси электрон тижорат муносабатларида электрон шартномаларни махсус тартибга солиш зарурлигидан далолат беради, бундай шартномаларни тузиш тартиби, уларнинг хусусиятларини аниқлаштиришни талаб этади.

Интернет тармоғи доирасида шартномадан ташқари мажбуриятлар, яъни деликт мажбуриятлар ҳам кенг тарқалиб бормоқда. Бунда Интернет тармоғидаги ҳуқуқбузарликлар – фишинг, компьютер қароқчилиги, дефейс, хакерлик, спам, киберсковттинг, инсофсиз рақобат, диффамация каби кўринишларда юзага келмоқда. Интернет тармоғидаги деликт мажбуриятларда провайдер ҳамда фойдаланувчилар жавобгарлиги масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда, шунингдек чет эл элементининг мураккаблашиш ҳолатлари мазкур муносабатларни янада мураккаблаштириб, қўлланиладиган ҳуқуқ муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу эса амалдаги коллизион боғловчиларни виртуал деликт муносабатларга нисбатан қўллаш масалаларини долзарб қилиб, қўллаш

мақсадга мувофиқ бўлган коллизион боғловчиларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Миллий Интернет сегменти ва ундаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг такомиллаштириш муаммолари»** деб номланган тўртинчи бобида Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш, мазкур муносабатлар бўйича юрисдикцияни белгилаш ҳамда миллий Интернет сегментининг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари таҳлил қилинган ҳамда тегишли тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Интернет глобал ва трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, унда ҳар қандай ҳуқуқий муносабат муайян давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Бунинг натижасида Интернет тармоғидаги хусусий ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳар қандай муносабат потенциал равишда халқаро хусусий ҳуқуқнинг тартибга солиш объекти ҳисобланади, яъни Интернет тармоғида чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади, уларни коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Интернет тармоғида коллизион муаммоларнинг энг мақбул ечими коллизион нормаларни унификация қилиш ҳисобланади, лекин бу соҳада виртуал маконга мос келувчи коллизион нормалар тизимини ишлаб чиқиш муаммоси юзага келмоқда.

Одатда, халқаро хусусий ҳуқуқда ҳуқуқларни белгилаш учун қўлланиладиган "жойлашган жой қонуни", "тузилган жой қонуни", "зарар келтирилган жой қонуни" коллизион боғловчилари Интернет тармоғида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатларга нисбатан бошқача аҳамият касб этади ва "сервер жойлашган жой" мезони билан уйғунликда қўлланилади. Сервер жойлашган жой – физик коммуникация тизими (асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот) жойлашган жой. Ахборот жойлаштирилган серверининг физик жойлашган жойи (веб-сайт) мазкур коллизион норма мезони сифатида қаралиши мумкин эмас. Асбоб-ускуналар жойлашган жой, агар асбоб-ускуналар ёки уларда ўрнатилган дастурий таъминот муайян шахс мулкида бўлса ва уларнинг ёрдамида Интернет тармоғида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар бажарилаётган бўлса, сервер жойлашган жой сифатида квалификация қилинади.

Халқаро миқёсда "провайдер таъсис этилган жой" коллизион боғловчисини қўллаш ҳолатлари ҳам шаклланмоқда. Бунда ташкилот – провайдер бир давлатда рўйхатдан ўтказилиши ва бошқа давлат ёки бир неча давлат ҳудудида хизматлар кўрсатиши, хизматлар кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатлари бутун дунёда юз бериши мумкин. Провайдер таъсис этилган жойни белгилаш унинг иштирокидаги иш бўйича юрисдикцияни аниқлаш учун зарур ва юридик шахснинг шахсий статутини белгилашга кўп жиҳатдан ўхшаш.

Провайдер таъсис этилган жойни белгилашда рўйхатга олинган жой билан бир қаторда провайдер амалга ошираётган иқтисодий фаолият ҳам ҳисобга олиниши лозим. Интернет-сайтдан фойдаланиб хизматлар кўрсатадиган компания таъсис этилган жой технологик инфратузилма

жойлашган жой ва сайтдан фойдаланишни амалга ошириш мумкин бўлган жой эмас, балки компания ўз иктисодий фаолиятини амалга ошираётган жойдир. Агар провайдер бир нечта жойда рўйхатга олинган бўлса, хизмат кўрсатиш айнан қаерда амалга оширилишини аниқлаш талаб этилади. Агар буни аниқлашнинг иложи бўлмаса, провайдер касбий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ асосий фаолиятни амалга ошираётган жой провайдер таъсис этилган жой деб ҳисобланади.

Булардан ташқари, виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга уларни юзага келтирган миллий Интернет сегменти бўйича қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш ҳолатлари кенг учрамоқда. Бунда миллий домен номи бўйича қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш қоидаси шаклланмоқда. Бундай коллизион боғловчи домен номи маълум давлатга қарашли бўлган тақдирда самарали бўлади, лекин халқаро домен номлари доирасида уни қўллаш имконияти чекланади. Шундан келиб чиқиб, хостинг хизмати тақдим этувчининг ҳуқуқи коллизион боғловчиси халқаро доменлар доирасида қўлланиладиган коллизион боғловчига айланмоқда.

Буларнинг барчаси Интернет тармоғидаги чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишда махсус коллизион боғловчилар тизимини шакллантириш орқали уларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий тамойиллари, яъни, моҳиятан, бутун фуқаролик ҳуқуқи тизимининг пойдевори бўлган энг асосий қоидалар шакллантирилган. Мазкур қоидалар моддий макон доирасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган бўлиб, улар виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга тўлиқ мос келмайди. Мазкур ҳолат виртуал макон ва виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус тамойиллар тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Бундай тамойиллар тизими Интернет тармоғи субъектларининг тенглиги ва ҳаракатлари эркинлиги; ахборот воситачисининг холислиги ва бошқа субъектлар ҳаракатлари учун жавобгар эмаслиги; Интернет тармоғидаги объектлар дахлсизлиги; ахборотнинг ишончлилиги, сақланиши ва самарали фойдаланилиши; ҳудудий чекланмаганлик ва эркин ахборот алмашинуви каби тамойиллар кўринишида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур тамойиллар Интернет тармоғида юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тарафлар манфаатларини ҳимоя қилиш, яхлитлик ва қонунийликни таъминлашга ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини янада takомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилувчи махсус тамойиллар тизимини ташкил қилиб, уларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда, Интернет борасидаги муносабатларни тартибга

соладиган мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш зарурати мавжуд бўлиб, мазкур соҳада бир қатор қонунлар қабул қилиниши ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига эҳтиёж мавжуд. Шунга асосан, тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги каби қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, асослантирилган. Шу билан бир қаторда, ахборот технологиялари, хусусан Интернет тармоғи доирасидаги муносабатлар комплекс характерга эга бўлиб, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда, жумладан асосий муносабатлар қонуности ҳужжатлари орқали тартибга солиниб, тўлиқ ҳуқуқий тартибот ўрнатилишида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунга асосан мазкур муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун қабул қилиниши, мазкур соҳа ҳуқуқий тартибга солинишида ижобий натижага эришиш имкониятини яратади. Шунга асосан, тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикаси миллий Интернет сегментини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Миллий Интернет сегменти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши таклиф этилиб, унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида, Интернет тармоғидаги муносабатларни комплекс тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кичик тизими шаклланиши кераклиги ҳақида хулоса қилинган.

Шунингдек, Интернет тармоғида юзага келадиган муносабатлар миллий ҳуқуқнинг кўп сонли соҳалари нормаларининг ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланиши, умуман, ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва кенгайиши, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида хусусият касб этиши бундай муносабатларни махсус тартибга солишга қаратилган «Кибер ҳуқуқ» деб номланиши мумкин бўлган комплекс ҳуқуқ соҳаси вужудга келганлиги, уни тадқиқ этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослантирилган.

# ХУЛОСА

«Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Интернет тармоғи цивилистик моҳиятининг тизимли таҳлили асосида субъектлар ўртасида ўзига хос тарзда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар амал қилувчи ва моддий маконга бевосита боғлиқ бўлган ва ундан келиб чиқувчи иккиламчи – виртуал (кибер) макон ҳамда интеллектуал мулк объектлари комплексидан иборат бўлган ҳосила объект ҳисобланиши илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

2. Интернет тармоғи ҳамда унда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш уч усулда: ўзини ўзи тартибга солиш, давлат томонидан тартибга солиш ва биргаликда тартибга солиш йўли билан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилди ҳамда мазкур усуллар ўртасида энг мақбули биргаликда тартибга солиш усули эканлиги асослантирилган.

3. Бугунги кундаги ахборот технологияларининг ривожи, хусусан Интернет тармоғининг жамият ҳаётига таъсири натижасида вужудга келаётган янги ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши, ривожланиши ҳамда ҳуқуқий тартибга солиниши янги «Кибер ҳуқуқ» комплекс ҳуқуқ соҳаси шаклланишига олиб келганлиги асослантирилди.

4. Интернет тармоғидаги ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган муносабатларнинг барчаси икки катта гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳ – бу Интернет тармоғи билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар (ташқи Интернет-муносабатлар) ва иккинчи гуруҳ – Интернет тармоғининг ўзида юзага келадиган муносабатлар (ички Интернет-муносабатлар). Интернетда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари аниқлаштирилиб, бунда новиъанавий асоснинг мавжудлиги (фақат Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчиларгина субъектлар бўлиши мумкин), виртуаллик (фақат сунъий равишда яратилган ва компьютерлар билан қувватланадиган муҳитда, махсус дастурий ва техник таъминот ёрдамида мавжуд бўлиши мумкин), физик чегаралар билан белгиланмаган маконда мавжудлик билан белгиланиши асослантирилди.

5. Интернет тармоғи ва унда вужудга келувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги тушунчаларнинг маъно-мазмунини аниқлаш заруратидан келиб чиқиб, Интернет, Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, электрон тижорат, электрон шартнома, веб-сайт, домен номи тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

6. Интеллектуал мулк объектлари Интернет тармоғида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳуқуқий тартибга солиш ва муҳофазасини таъминлаш ўзига хос мураккабликларга эга эканлиги очиб берилди. Интернет тармоғида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадга мувофиклиги тўғрисидаги масалани ечишга нисбатан икки хил

ёндашув мавжудлиги, хусусан давлатнинг аралашуви зарурлиги ва ўзини-ўзи тартибга солиш кераклигини кўрсатувчи ёндашувлар таҳлил қилинди ва бундай муносабатларни тартибга солишда давлатнинг (халқаро даражада – давлатларнинг) ҳуқуқий аралашуви зарурлиги асослаб берилди.

7. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш техника воситаларини қўллаш йўли билан белгиланган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга чеклашларни олиб ташлашга қаратилган ҳаракатлар тақиқланишини қонун ҳужжатларида белгилаш кераклиги, бунинг натижасида мазкур ҳуқуқларнинг эгаларида янги мутлақ ҳуқуқ – асар ёки турдош ҳуқуқлар объектидан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи вужудга келиши асослантирилди.

8. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объекти сифатида Интернет-сайт таҳлил қилиниб, унинг интеллектуал ҳуқуқлар объекти сифатидаги моҳияти тадқиқ этилди. Бунда Интернет-сайт фуқаролик ҳуқуқларининг мураккаб объекти ҳисобланиши ва бир нечта мустақил, аммо техник жиҳатдан бир-бири билан муайян усулда яхлит тузилмага боғланган интеллектуал ҳуқуқ объектлари (ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари)нинг бирикмасини ўзида ифодалаши, унда мазкур объектлардан ҳар бирининг мавжудлиги интеллектуал фаолиятнинг ягона оригинал натижаси амал қилиши учун зарурлиги ҳақида хулоса қилинди ҳамда Интернет-сайт муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши кўрсатилди.

9. Интернет тармоғида шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар вужудга келиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Бевосита Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ташқи ва ички бўлишидан келиб чиқиб, Интернет тармоғидаги шартномаларни икки гуруҳга, яъни ташқи Интернет-муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномалар ва ички Интернет-муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномалар гуруҳларига ажратиш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Интернет тармоғидаги электрон шартномалар икки тарафлама консенсуал шартномалар бўлиб, улар ҳақ эвазига ва бепул тузилиши мумкинлиги асослантирилди.

10. Электрон савдони самарали ривожлантириш учун мамлакатнинг глобал ва очиқ бозорга интеграциялашуви ҳамда мазкур бозорга хос бўлган универсал қоидаларнинг ўзлаштирилишига имконият яратиши мумкин бўлган муайян қонунчилик стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилиши асослантирилди. Бу, айниқса, ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли бўлиб, бундай муносабатларда электрон тижорат доирасидаги коллизион муаммоларни ҳал этиш зарурати мавжудлиги асослантирилди.

11. Интернет тармоғининг глобаллиги ундаги муносабатлар халқаро характерга эга эканлигини кўрсатиб, бунда ҳуқуқ коллизияси вужудга келиши ва бундай муносабатлар коллизион-ҳуқуқий тартибга солиниш кераклиги намоён қилинди. Бунда Интернет тармоғида коллизион муаммоларнинг энг оптимал ечими коллизион нормаларни унификация қилиш ҳамда эрк мухторияти тамойилини қўллашдан иборатлиги асослантирилди. Интернет тармоғини бирон-бир давлат ҳуқуқи билан боғлаш мумкин эмаслиги, лекин,

шу билан бирга, Интернет тармоғининг миллий сегментларида юрисдикцияларни белгилаш имконияти мавжудлиги кўрсатиб берилди.

12. Интернет тармоғи виртуал маконни вужудга келтириб, ундаги виртуал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда уларни ҳар тарафлама ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига реал ва виртуал макон тушунчаларини киритган ҳолда фуқаролик қонун ҳужжатларининг макон бўйича амал қилиши қоидасини мустаҳкамлаш зарурлиги асослантирилди. Бундай қоида мустаҳкамланиши орқали фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини виртуал маконда вужудга келувчи муносабатларга татбиқ қилиш учун тўлиқ ҳуқуқий асос вужудга келади, яъни бундай қоида реал макон учун мўлжалланган фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал муносабатларга қўллаш учун кўприк хизматини ўташи асослантирилди.

Бундай норма Фуқаролик кодексига $4^1$-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг макон бўйича амал қилиши сифатида қуйидаги мазмунда баён этилиши таклиф қилинди:

«$4^1$-модда. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг макон бўйича амал қилиши

Фуқаролик қонун ҳужжатлари реал ва виртуал (Интернет тармоғи) маконларда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан, уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Фуқаролик қонун ҳужжати агар унда бошқача тартиб белгиланмаган ва моҳиятидан фақат реал маконда вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларгагина нисбатан қўлланилиши мумкинлиги англашилмаса, Интернетда вужудга келадиган, яъни виртуал макондаги ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар виртуал маконда вужудга келадиган муносабатлар уларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда тартибга солувчи ва бошқача қоидаларни белгилайдиган махсус қонун қабул қилинган бўлса, виртуал макондаги муносабатларга ушбу махсус қонун нормалари қўлланилади.

Тарафлар ўртасидаги виртуал маконда вужудга келган муносабатлар шартномага асосланган бўлиб, шартномада қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ўзгача қоида назарда тутилган бўлса, шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади».

Бундай қоида барча фуқаролик-ҳуқуқий норматив массивни, агар унда бошқача қоида белгиланмаган ва моҳиятидан бошқача ҳолат англашилмаса, Интернетда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳам тааллуқли бўлиши қоидасини келтириб чиқаради ва буни таъминлайди.

13. Интернет тармоғи объектлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ахборотни фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида тўлиқ тан олиш ва тегишли тартибда Фуқаролик кодексининг 81-моддасига объект сифатида ахборот киритилиши кераклиги, мазкур ҳолат Интернет тармоғидаги объектларни тўғридан-тўғри ахборот кўринишида бўлиши билан фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида тан олиниши ва ҳимоя қилинишига хизмат қилиши асослантирилди.

14. Фуқаролик кодексига битимларни тартибга солишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларда электрон битимларни ҳамда битимларни электрон рақамли имзолар билан тасдиқлашни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилиб, Фуқаролик кодексининг 105 ва 107-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи ишлаб чиқилди. Шунингдек, электрон ҳужжатларни расмий қоғоз ҳужжатларга тенглаштиришга эришиш учун Фуқаролик кодексига қуйидаги мазмундаги $353^1$-модда киритиш таклифи ишлаб чиқилди:

«$353^1$-модда. Ҳужжат

Ҳужжат деб махсус реквизитлар ёрдамида формаллаштирилган, бирон-бир жисмда қайд этилган, хатосиз идентификация қилиш ва унинг муаллифи билан боғлаш имконини берадиган ахборот эътироф этилади.

Ҳужжатни тайёрлаш, яратиш, сақлаш учун топшириш ва (ёки) йўқ қилиб ташлаш жараёнида уни тегишли технологиялар ёрдамида бир жойдан бошқа жойга кўчириш ҳужжат айланиши деб эътироф этилади.

Электрон ҳужжат деб электрон ахборот шаклида ифодаланган ҳужжат эътироф этилади.

Электрон ҳужжат айланиши деб электрон шаклда амалга ошириладиган ҳужжат айланиши эътироф этилади».

15. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунида тушунчалар аппаратини кенгайтириш, ахборот ресурслари эгаси ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган 91-модда ҳамда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни бузувчи ахборот олиш имкониятини чеклаш тартибини белгилайдиган 122-модда билан тўлдириш кераклиги асослантирилди. Мазкур моддалар қуйидаги мазмунда ишлаб чиқилди:

«91-модда. Ахборот ресурсларининг эгаси

Ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, технологиялар ва уларни таъминлаш воситаларининг эгаси – кўрсатилган объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган ҳамда тасарруф этиш ваколатларини қонунда ёки ахборот ресурсининг мулкдори билан тузилган шартномада белгиланган доирада амалга оширадиган субъект».

«122-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва (ёки) турдош ҳуқуқларни бузиб тарқатиладиган ахборотдан фойдаланиш имкониятини чеклаш тартиби

Ҳуқуқ эгаси ахборот-телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан «Интернет» тармоғида ўзининг рухсатисиз ёки бошқа қонуний асосларсиз тарқатилаётган муаллифлик ҳуқуқи ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларини ёки уларни ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда олиш учун зарур ахборотни аниқлаган бўлса, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат функцияларини амалга оширувчи махсус ваколатли органга мазкур объектлар ёки ахборотни тарқатаётган ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини чеклаш чораларини кўриш тўғрисидаги ариза билан кучга кирган суд қарорига асосланган ҳолда мурожаат этишга ҳақли.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари

соҳасида назорат функцияларини амалга оширувчи махсус ваколатли орган кучга кирган суд қарорига асосланган ҳолда уч иш куни мобайнида муаллифлик ҳуқуқи ва (ёки) турдош ҳуқуқларни бузиб тарқатилаётган ахборотдан фойдаланиш имконини чеклаш йўли билан ҳуқуқлар бузилишини тўхтатиш бўйича тегишли чораларни кўради».

16. Товар белгиси ва домен номининг ўзаро нисбати ва бу объектлар эгаларининг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасига, веб-сайтларни ҳуқуқий ҳимоя объектига киритиш ҳамда мавжуд ҳуқуқларни таъминлаш ва муҳофаза қилиш мақсадида «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунининг 3 ва 6-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда асослантирилди.

17. Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни самарали ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунига қуйидаги мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар асослантирилди:

– қонун мақсади ва қўлланиш доирасини аниқ кўрсатиб бериш (1-модда);

– электрон тижорат тушунчаси (3-модда) ўрнига асосий тушунчаларни мустаҳкамлаш;

– электрон тижорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари (8-модда) кенгайтирилиб, бундай ваколатлар таркибига электрон тижорат соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, электрон тижорат соҳасида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича чораларини амалга ошириш каби ваколатларни қўшиш;

– электрон тижорат иштирокчиси тушунчасини (10-модда) электрон тижорат субъектлари деб номлаб, бундай субъектларнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг турлари ва фаолият йўналишларини очиб бериш;

– ахборот воситачиси (12-модда) тушунчасининг, ҳуқуқий мақомини, турлари ҳамда ким ахборот воситачиси бўлиб ҳисобланмаслигини киритиш, бу орқали ахборот воситачиси бўлган субъект ва унинг солиққа солиш механизмларини аниқлаштириш;

– электрон тижоратда шартнома шартларини (14-модда) кенгайтириб, электрон шартнома хусусиятларини, уни тузиш, сақлаш, ҳақиқий деб тан олиш ва олмаслик масалаларини тўлиқ баён қилиш;

– электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш (18-модда)ни қайта кўриб чиқиб, уни шахсий маълумотларни ҳимоялаш деб қайта шакллантириш, унда электрон тижорат субъектлари ўртасида маълум бўладиган шахсий маълумотларни ҳимояловчи аниқ ҳуқуқий механизм деб ифодалаш;

– электрон тижорат субъектларига хавфсизликни таъминлаш бўйича

талаблар, электрон тижорат субъектларининг хавфсизликни таъминлаш бўйича жавобгарлиги, қўлланиладиган ҳуқуқ қоидаларини киритиш.

18. Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юрисдикцияни белгилаш муаммоси ечимини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ҳамда Фуқаролик процессуал кодекси тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослантирилди ҳамда ишлаб чиқилди.

19. Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни комплекс тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Миллий Интернет сегменти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда алоҳида йўналишларда бундай муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган «Ахборотлаштириш соҳасини янада ривожлантириш ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланган ва ваколатли органларга юборилган.

20. Интернет тармоғидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида тартибга солишда қуйидаги таклифлар асослантирилди:

Интернет тармоғи ва ундаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий режимни белгилашга қаратилган универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

интеллектуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизмларини шакллантиришда қонун ҳужжатларига ва глобал ахборот тармоғида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий методларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилди. Бунда, интеллектуал мулк соҳасида муносабатларни бевосита тартибга соладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (1952 йилги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида Бутунжаҳон конвенцияси, 1886 йилги Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида Берн конвенцияси)га қўшимчалар киритиш зарурлиги, шунингдек глобал даражада – Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк ташкилоти даражасида тўлалигича Интернет тармоғида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган алоҳида халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

халқаро миқёсда электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида электрон ҳужжат айланиши тўғрисида махсус халқаро конвенция қабул қилиш;

электрон шаклдаги ташқи иқтисодий шартномалар тузишга шарт-шароит яратиш мақсадида 2005 йил 23 ноябрдаги Халқаро шартномаларда электрон хабарлардан фойдаланиш тўғрисидаги БМТ Конвенциясини ратификация қилиш ва унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

21. Интернет тармоғидаги домен номлари ва веб-сайтларни фуқаролик-ҳуқуқий муомаласини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилиб, уларга доир муносабатлар шартномавий ҳуқуқий бўлиши, бунда мазкур объектларни олди-сотди ҳамда ижара шартномалари асосида эркин муомаласини таъминлаш зарурлиги асослантирилди ва намунавий

шартномалар ишлаб чиқилди.

22. Электрон тижорат соҳасида миллий қонунчиликда электрон рақамли имзоларнинг ягона кўриниши ва тизими йўқлиги мазкур соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётганлиги намоён қилинди. Бунда мамлакатимиз доирасида электрон рақамли имзоларни унификация қилиш ва бундай имзоларни халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш кераклиги асослантирилди.

23. Электрон савдони самарали ривожлантириш учун мамлакатнинг глобал ва очиқ бозорга интеграциялашувига ҳамда мазкур бозорга хос бўлган универсал қоидаларнинг ўзлаштирилишига имконият яратиши мумкин бўлган муайян қонунчилик стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу соҳада халқаро электрон тижорат билан шуғулланадиган юридик шахсларга чет эл валютасида эркин тижорат қилиш имконияти яратилиши кераклиги асослантирилди.

24. Миллий цивилистикада илк бор янгича ёндашув асосида виртуал маконда юзага келадиган чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишни шакллантиришга хизмат қилувчи коллизион боғловчилар тизими (сервер жойлашган жой қонуни, провайдер рўйхатдан ўтган жой қонуни, миллий домен қонуни) ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Интернет тармоғидаги ҳуқуқий муносабатлар доирасида келиб чиқадиган низолар бўйича юрисдикцияни ва низо доирасида қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш қоидалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, қонун ҳужжатларига қуйидаги қоидаларни киритиш орқали бундай масалани ҳал этиш мумкинлиги асослантирилди:

1) агар хорижий ҳуқуқий тартибот билан алоқа аниқ (индивидуаллаштириш воситаларига бўлган хорижий ҳуқуқлар бузилган) бўлса ёки тарафлар хорижий ҳуқуқий тартиботни қўллашни талаб қилаётган бўлсалар, қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги масалани суд мамлакатининг яқин алоқа принципи мазмунини муайян муносабатга татбиқан ёритувчи коллизион нормалари асосида ҳал этиш лозим;

2) агар хорижий ҳуқуқий тартибот билан алоқа аниқ бўлмаса, масалани ечишда қуйидаги ёндашувни қўллаш лозим:

– агар суд қарори чет эл давлати ҳудудида тан олиниши ва ижро этилиши лозим бўлса, суд коллизион масалани ҳал этиши ва қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаши лозим;

– агар суд қарори мазкур давлат ҳудудида ижро этилиши лозим бўлса, суд мамлакати ҳуқуқи қўлланилиши лозим.

Диссертация доирасида бошқа бир қатор назарий ва амалий таклиф ва хулосалар шакллантирилган бўлиб, уларнинг барчаси умумий жиҳатдан ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича миллий доктринани бойитишга, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.